

Тул садолари Совет Иттифоқи давлат таъминининг улуғвор садолари билан қўшилди кетади.

Ҳарбий булинмалар тантанали марш қилиб ўтадилар. СССР Қуролли Кучларининг вакиллари атоқли сарварда, Коммунистик партия ва Совет ҳаққининг содиқ фарзанди Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновскийга ҳарбийларча изғат-ҳурматларни бақо келтирадилар. (ТАСС).

Инги шеърлар

ҚАНОТ БЎЛОЛСАМ...

Сен юксакка интилган қанда,
Парвозингга бўлсам қаноат,
Оташ меҳринг учқунга бўлиб,
Қалб уришинг эга олсам ёд.
Ҳам қайғунгга бўлиб қайғурар,
Қанча ҳижрон келтирса ҳаёт,
Сенинг қабил мардона елсам,
Тушқунлик ҳеч бўлмаса
Қишнинг бахти деб
Эзгу ўйга қарши бўлар ким?
Ҳар тўсиққа беролсам бардош,

Қўларимда қўринмаса ёш.
Мен тақдирга қилмай илтижо,
Эртақлардан изламай сирдош,
Далда меҳрим, бардошим билан,
Қалбимдаги қўёшим билан,
Ҳаёт йўли — бахт йўли дед,
Қолажакман сен билан бирга,
Қолажакман бутун умрга.
Дилором ТОҶИЕВА.

ДУСТИМ АЛБМОМИГА

Азиз дустим!
Севиман сенни...
Шеърин қасамлардан не фойда.
«Қайда» десанг — Дўстим —
Икки ирмоқ тутташган нойда!..
Утмас беҳуда...

ЙУЛИМ ОЛИС...

Анинг қизилиги,
Озуларини чексин... Назарин.
Уламанинг қолмаси эзилди,
Йўлининг ярми босилган қанон...
Узоқларга йўлларини замон...
Бўзилар дер: «Қишлоқмас уйда».
Суз берман... Етгун, беғумон —
Йўқ, ҳаётим ўтмас беҳуда...
Шавкат ТУРБОБОВ.

БАЛИҚ

Қармоғига қуволчанг жойлаб,
Сугга солиб, туришди пойлаб,
«Тайёр лўқма, ютаман энда, —
Дед шўрли баллиқ илдинди.
Куруқликда кўрган ўзин,
Мошдай очиб икки нўзини,
Тилиричаб, ҳоли бўлиб танг
Дер: қармоғин нўрмаман, аттанг!

ТОҒ ЧУМЧУГИ

Жанжонкина қанотини ёзиб,
Пир-пир учар бир митти чумчуқ.
Диндин сакраб ҳатто тошга ҳам,
Донми дед уради тумшуқ.
Бир қорнига ахтариб дон-сув,
Тиним билмас одат ишиди.
Оз топса ҳам меҳнат-ла толар,
Тенинхўмас бағзи кишидай.
Жўра АЛИМАРДОНОВ.

ҲАЁТНИНГ НАҚШИ

Мен жондан севаман дўстлар
суҳбатин,
Деврада ўлтириб отамлашимни.
Ва лекин, севайман борлиқ
қисматин,
Дўст дед барчага очик айтишимни.
Шундай дэварларда ўлтириб
бэзлан,
Дўстлар чехрасига ташлаيمان
назар.
Порлоқ чехралардан олиб андаза,
Қалбимда қувноқлик кенг қўлоқ
ёзар.

Инсоний туйғулар ичра гарқ бўлиб,
Дўстларин шодлигини кўзлаган
яхши.
Бегараз гаплашиб, шод суҳбат
қуриш
Чиндан ҳам эмасми ҳаётнинг
нақши,
Мени ром айламас шохона қаср,
Шоҳлардек мартаба, иззату киром.
Дўстлар суҳбатига бўлганда асир,
Қувноқ қарқажлар айлар мени
ром.
Ҳасан ҚАЙОМОВ.

МЕҲМОНЛАР ТОРТИГИ

Белоруссиялик бипокорлар
Чилизорнинг 24-кварталида
100 квартиралар кўркам турар-
жойини тошкентликларга совға
қилдилар. Яқин ҳафтадан ичда
ана иккита био фойдаланишга
шай бўлади. Ҳозир бу ерда пар-
дозлаш ишлари олиб борила-
ётган. Умуман белоруссиялик
кадрларнинг Тошкентда 9
та турар-жой ҳафта 860 ўринли
мактаб биноларини қуриб бе-
ришга аҳд қилинган. Азамат-
лар ўз сузларининг устидан
чиқмоқдалар.
Шу қунарда қурилиш май-
донларида иш қизган. Белорус-
сия бипокорлари Улуғ Октябр-
нинг 50 йиллигига ўз зимма-
ларига юкланган маъбуриятини
шараф билан адо этишга ҳара-
кат қилмоқдалар.
Ленинградликлар ишлаётган
учаскаларда ҳам ишлар жадал
боришти. Улар яқинда 100 ва
48 квартиралар икки турар-жой-

КИНОСАНЪАТКОРЛАР ЮБИЛЕЙГА

Ҳозир «Узбекфильм» кино-
студиясининг иккинчи коллекти-
ви шонли юбилейга қизган тай-
ёргарлик қўймоқда. Павильон-
ларда янги-янги тарихий ва за-
монавий фильмлар сюжетлари
кадрларга туширилмоқда. Атоқ-
ли кинорежиссёр Нурдод Аъза-
мов ўтган йили «Ойдин саҳи-
фа» бадиий фильмининг кинош-
навадларига совға қилган
эди. Бу йил у «Сайёб кўнгир-
го» бадиий фильмининг устидан қи-
зган иш олиб бормоқда. Фильм-
нинг асосий қисми тугалланган.
Ундаги воқеа республиканин-
нинг чечка қишлоқларидан би-
рида бўлиб ўтди. Фильмда
босмачиларга қарши кураш, Со-



вет ҳокимиятини ўрнатилда
халқимиз кўрсатган жасорат ўз
аксини топган.
Кинорежиссёр Латиф Файза-
ев эса «Мен яхшийдим» филь-
мининг яратиш билан банд.
Фильмда Улуғ Ватан уруши
йилларида қаҳрамонлик кўрсат-
ган ўзбек партизаниларнинг ёр-
қин образлари гавдаланади.
Яқин кунлар ичда бағзики Одил
Ёкубов сценарийи асосида яра-
тилган «Нима эксанг шуни ола-
сан» номли фильм экранларга

ЭКСПЕДИЦИЯНИНГ БИРИНЧИ ЎЛЖАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар ака-
демиясининг захарли ишлар билан
шугулланувчи лабораторияси хо-
димлари Мурғоб водисинда экспе-
дицияда юришибди. Улар яқинда
янги йилнинг биринчи ўлжасини
кадрларга туширилмоқда. Атоқ-
ли кинорежиссёр Нурдод Аъза-
мов ўтган йили «Ойдин саҳи-
фа» бадиий фильмининг кинош-
навадларига совға қилган
эди. Бу йил у «Сайёб кўнгир-
го» бадиий фильмининг устидан қи-
зган иш олиб бормоқда. Фильм-
нинг асосий қисми тугалланган.
Ундаги воқеа республиканин-
нинг чечка қишлоқларидан би-
рида бўлиб ўтди. Фильмда
босмачиларга қарши кураш, Со-

МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙЛАРИ

Ҳадемай Ишчилар шаҳарчасида
кўркам бир иморат фойдаланиш-
га топширилади. У ерда «Меҳнат-
кашларга маъий хизмат кўрсати-
лади. Маъий хизмат кўрсатиш
уйида турли касб эгалари меҳнат
қилишади. Шунингдек Афвасе-
но кўчасида ҳам хизматнинг бар-
ча турлари кўрсатиладиган па-
вильон ишга туширилади. Ҳозир
павильон тўла пёрдоддан чиқа-
пти.
1 Май арафасида Весна кўча-
сида қурилатган уч қаватли ма-
иш хизмат кўрсатиш уйи фойда-
ланишга топширилади. Ҳозир би-
ноқорлар учини қаватда пёрдо-
лаш ишларини амалга оширмоқ-
делар. Бино ичда яқна бюртия
қабул қилиш ва бошқа турли хил
устеоналар, кийим-бошдаги ҳар
хил доғларни химиявий усулда
кетказиш пункти ишлаб туради.

ШОИРНИ ЭСЛАБ

Оташнинг шоир, драматург,
олим Мақсуд Шайхзода беақат
орамиздан кетган бўлса ҳам
унинг мангу барҳаёт сиймоси
ҳамиша ҳақ билан бирга.
30 мартда Ўзбекистон Ёзув-
чилари, Нисомий номли Тош-
кент давлат педагогика инсти-
тутининг олимлари, ўқитувчи-
лари, Тошкентдаги Мақсуд
Шайхзода номли 167-ўрта мак-
табининг вакиллари шоирни эс-
лаш оқшомига тўпаландилар.
Игилликлари Ўзбекистон Ёзув-
чилар союзи правлениеси ра-
исининг ўринбосари Асқад Мух-
тор Мақсуд Шайхзодадан ада-
бий меросини тўплаш, унинг
уч томдан иборат асарлар маъ-
муасини ва ўртоқлар хотира-
дан иборат китобини нашр қи-
лиш соҳасида олиб борилаётган
тайёргарлик ҳақида сўзлади.
Шундан сўнг Азиз Абдура-
ззоқ, Ҳайриддин Салоҳ, Султон
Қўноқбеков Мақсуд Шайхзода-
га бағишланган шеърларини
ўқиб бердилар.
Талантли артист Темуралиқ
Юнусов (М. Шайхзода уни жу-
да севад эди) «Тошкентнома»
дostonидан кириш қисмининг худ-
ди Мақсуд Шайхзодаданнинг ово-
лига ўхшатиб ёддан ўқиб берди.
Бу қалам соҳиблари аниқма-
нида М. Шайхзодаданнинг маш-
ҳур «Йўқ мен ўлган эмасмен»
деган қуйма сатрлари у худди
ҳаётдай, қаторда ўтирғанда ай-
тилаётгандай жаранглади.
167-мактабининг илмий муди-
ри Соат Умаров мактабда М.
Шайхзода музейи ташкил қили-
наётганини сўзлаб, 11 апрелда
мактабининг Мақсуд Шайхзода
номига қўйилишига бағишлан-
ган катта маросимга дўстларини
таклиф қилди.
Ю. ҲАМДАМОВ.
А. СУЛТОНОВ.

ФУТБОЛ

Ўтган дам олиш кунини фут-
бол иштиболлари ала стадион
трибуналарини тўлдирди.
Мамлакатимизнинг тўққиз ша-
ри — Тошкент, Олмаота, Боку,
Еренав, Ростов, Донецк, Тбили-
си, Кутаиси ва Луганск шаҳар-
ларида XXIX чемпионатнинг
биринчи матчлари бўлди.
«Пахтакор» стадиони. Ишти-
боллар ўйини бошлангичига анча
вақт бор бўлса ҳам, бу ерга
барвақтроқ келиб биринчи матчи-
ни, биринчи голни сабрсизлик
билан кута бошладилар. Ҳам-
ма бугунги матч ҳақида ўзича
фикр юритар, баҳслашар эди.
Соат 18.00. Бутуниттифоқ ка-
тегорияли судья Николай Кри-
лов (Куйбишев шаҳридан),
унинг ёрдамчилари Леонид
Молосков ва Александр Чис-
товлар билан футболчилар бир
сафта тизилишди. Фоторепор-
терлар апаратурини ишга сол-
дилар. Марказий Армия спорт
клуби командаси капитани, хиз-
мат кўрсатган спорт мастери
Алберт Шестернев ва «Пахта-
кор» капитани, спорт мастери
Геннадий Красницкийлар Совет
Иттифоқи тизини садолари ости-

БИРИНЧИ ЎЙИН, БИРИНЧИ ОЧҚО

да чемпионат байроғини кўта-
ришди.
Ориқиб қўтилган судьянинг
хўштаги ҳам эшитилди. «Пахта-
кор» дарҳол ҳужумга ўтди.
Иштиболлар эса футболчиларга
мадад беришди. Аммо СССР
терма командасида ҳимоятчи бў-
либ ўйнаган, катта тажрибали
А. Шестернев ва унинг дўстла-
ри ҳужумни қайтаришга муваф-
фақ бўлдилар. Кейин эса ар-
миячилар ҳужумга ўтди. Ай-
ниқса В. Федотов билан чап қа-
нот ҳужумчиси В. Дударенко, Ю.
Пшенчинков дарвозасига ҳаф-
сола бошлади. 13-минутда ар-
миячилар В. Полкаровнинг таби-
риқлашди. «Пахтакор» ўйинини
марказдан бошлашга мажбур
бўлди.
Биринчи таймининг кейинги
минутлари ҳар иккала команда-
нинг галта-талти ҳужуми билан
ўтди. Москваликлар ҳаётини кес-
килтиришасликка, иккинчи
тайм учун кучини сақлаб қол-
ишга қарор қилганликларга сез-
либ турарди.
Ҳақиқатан ҳам ўйиннинг ик-
кинчи ярми биринчисига қара-

ганда анча қизиқарлироқ ўтди.
Иноятлов ўринга В. Бектошев
тушганда кейин, майдон ағала-
ри янада активлашди. Эркин
Абдураимов гоҳ ўнг қанотда,
гоҳ чап қанотда пайдо бўлар ва
Л. Кудасов дарвозасини узоқ-
дан ишонга олар эди. Навбат-
даги ҳужумда у 40 метрлар ча-
масидан кучли зарб билан дар-
возага тўп тенди. Дарвозабон
уни ушлаб қололмай, қўлидан
қичқариб юборди. В. Бектошев
эса бироз кетмади.
71-минутда Э. Абдураимов
қувонгандан икки қўлини ос-
монга кўтариб, дўстларига ош-
чоқ очиб югурди. В. Иброҳи-
мов, Г. Красницкий уни қучоқ-
лаб табриқлади. Таблода 1:1
рақамин пайдо бўлди. Бу голдан
кейин майдон эгаларининг ўс-
тувнинг лиқол сезилиб турарди.
Агар В. Иброҳимовнинг кучли
зарб билан тепган тўпнинг Л.
Кудасов моҳирлиги билан дар-
воза тепасидан оқибди юборма-
ганда, армиячилар бир очкодан
ҳам кўроқ қолар эдилар.
Марказий Армия спорт клу-
би командаси Иттифоқда энг
кучли коллективлардан ҳисоб-

ланади. Бу команда билан тенг-
матенг олишши катта меҳнат
ва кучин талаб этади. «Пахта-
кор» ана шу кучин топа олди.
Гол ўтказиб юборгандан кейин
руҳдан тушмай ҳақиқатан бил-
лан ўйнади. Бу ҳаракат зое
кетмади.
Командадлар учрашувини қуй-
даги составда ўтказишди. МАР-
КАЗИН АРМИЯ СПОРТ КЛУ-
БИ: Кудасов, Истомин, Шестер-
нев, Багич, Калличин, Плянов,
Дударенко, Полкаров, Федо-
тов, (Шиманович), Шулятин-
кий, Варга. «ПАХТАКОР»: Пшенчинков, Зокоров, Штерн,
Науменко, Суянов, Солохо-
в, Юнусов, Иноятлов (Бектошев),
Иброҳимов, Красницкий, Абду-
раимов.

Чемпионатнинг қолган учра-
шувлари қуйдаги натижалар
билан тугади: «Заря» (Луганск)
— «Спартак» — 1:0, «Нефтя-
ник» — «Динамо» (Киев)
— 0:1, «Арат» — «Черноморец»
— 1:1, СКА (Ростов) — «Дина-
мо» (Минск) — 0:0, «Шахтёр»
— «Зенит» — 2:0, «Қайрат» —
«Крылья Советов» — 1:0, «Ди-
намо» (Тбилиси) — «Локомо-
тив» (Москва) — 2:2, «Торпе-
до» (Кутаиси) — «Торпедо»
(Москва) — 1:0.

Қишқик турлар толиби «Со-
ветский спорт» газетаси соври-
ния олган Москвада «Дина-
мо» командаси биринчи турда
дам олди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.
Сурада ўйин пайти.
А. Абалая фотоес.

БИЛДИРИШ

Шу йил 5 апрель соат 11 да
Ўзбекистон КП Тошкент обла-
сти комитетининг мажлислар залида
еблост ишчи-деҳқон мухбирлар-
нинг сўти очилди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

БАҲОР ТАРОНАЛАРИ



ШАЙДО

Ҳаётга суқланиб, кўз очган гулча,
Кенг ёруғ дунёга боқди очилиб.
Қиш бўйи етилиб, бўртган туғичча,
Дил сўзин баҳорга сузлар сочилиб.

Унга жўр бўлади, чулдираб анҳор.
Сабо ҳам қўлоққа ишнирлар аста,
Ширин суҳбатлари қизир ҳар наҳор.
Бахтдан энтикканга тутар гулдаста.

Бол ари хид туйиб келаркан учиб,
Минг бор гиргиттойдир гулнинг бошидан.
Канча бўса олса, парвона қучиб,
Шунча жила олмас, гулнинг қошидан!
Фарида УСМОНОВА.

А. Абалая фотоэюдлари.

СЕВИМЛИ АРТИСТ ЎЎУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Оқунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрининг
талантли артисти М. Головин кўпгина образини яратди. Айниқса, у
доҳимиз В. И. Ленин ролин ияро этиш соҳасида кенг танилди.
Республикада хизмат кўрсатган артист М. Головин 1939 йилдан
бери доҳий ролин ияро этиб келмоқда. Яқинда бу сеvimли артист
Оржоникидзе районидан 25-мактаб ўқувчиларининг меҳмони бўлди.
Санъаткор ўқувчиларга «В. И. Ленин Разливда», «Ленин камтар ин-
сон» деган темаларда гапириб берди. Унинг Надежда Константинов-
на Круппася билан бўлган учрашуви тўғрисидаги суҳбатни ҳам ўқув-
чилар томонидан ҳалқон билан тингладилар.
М. УСМОНОВ.

Хатлардан сатрлар

Вакцина ва сыворотка ил-
мий-тектириш институтини хо-
димлари институт территория-
сини қуламазорлаштиришга
алоҳида эътибор беришпти. Э.
Юсупов, Т. Акимов, К. Ха-
санов, Х. Нурдодов ва бошқа-
лар жамоатчилик асосида ўла-
лаб ишқоллар ва гуя қўчатла-
ри ўтқазилди.

С. СУЛТОНОВ.
Паркент совхоз 3-бўли-
мида янги чойхона биноси қу-
риб фойдаланишга топширилди.
М. АРОЛОВ.
10-авторемонт заводи иш-
чи ва хизматчилари талабига
мувофиқ завод территориясида
газета киоскиси очилди.
С. ИЛЕСОВ.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—Эшитти-
ришлар программаси, 18.00—Плю-
мер прожектори.
Рус тилида: 18.25—Телевизион
лигиликлар, 18.40—Меҳнат эсте-
тикаси, 19.00—Ғалати синф (бади-
ий фильм).
Ўзбек тилида: 20.30—Телевизи-
он лигиликлар, 20.45—Қўшиқ
дўстлиги («Ешлик» студияси),
21.25—В. В. Куйбишев («Октябрь»
программаси), 21.50—Навоий наз-
ми тароналари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55—Эшитти-
ришлар программаси, 18.00—
Тенгдошларнинг ижодидан (мактаб
ўқувчилари учун), 18.20—Ленин-
изм ҳазинаси (хўжалатли фильм),
18.30—Олий математика (сирдан
ўргатган студентлар учун ўқув
программаси),
19.35—Телевизион лигиликлар
(рус тилида),
19.45 дан—Москва кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ АКАДЕМИК
КАТТА ТЕАТРАДА—5/IV да Спартак,
ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА—4/IV да Сара-
новат дилбарим, 5/IV да Верона-
лик икки йигит.
МУЗИКМИ НОМЛИ ТЕАТРАДА—
Ешннда берган кўнгли.
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—
Катта цирк томошалари, Ҳиндис-
тон филлари аттракционни.

КИНО

Кавказ асираси—«СПУТНИК»,
«ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25
ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА»,
«ДРУЖБА» (кундуз ва кечурун).
Хасан араванаш—СОБИР РАҲИ-
МОВ номли (кундуз ва кечурун),
«СПУТНИК» (кундуз соат 12, 4 ва
кечурун соат 8 да).
Ум бақалои—(эрталаб соат 11,
кундуз 1 ва 3 да), Кеча, бугун,
эртага (кундуз 5, яримда, кеч 7
ярим ва 9, 15 минутда) — САНЪАТ
АТ САРОНИДА.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 апрелда
7—10-синф ўқувчилари учун музикали ленторин
абонементи бўйича

БЕШИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

СССР халқларининг музика, ашула ва рақслари
Лектор — музикашунос Илос Анбаров.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбек Давлат филармониясининг хор напелласи ва торли
квартети (напелласининг бадиий раҳбари ва бош дирижери,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Абдулҳақдор
Султонов); Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Кундуз Мирраимова, Баҳром Мааллонов, солистар: Неймат
Қўлабауллаев, Раъшан Мўминова, Роҳатой Маннонова, Му-
наррама Жаҳонгирова, Зайдулла Ҳамдамов, Анвар Рустамов,
Назулла Ёкубов. Ўзбек халқ чолгу асбоблари ансамбли;
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Карин Алиев
(гитжак), Махмуд Муҳамедов (наб); IV-Жаҳон фестивалининг
лауреати — Аббос Баҳромов (рубоб), Қасим Аъзамов (тап),
Анвар Инонов (рубоб), Умар Ҳамидов (афгон рубоби), Гафур
Азимов (доира).
Программани Назулла Ёкубов олиб боради.
Концерт-лекция кундуз соат 12 да бошланади.
Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали нас-
сида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12дан со-
тилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-
КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган
Ташкентского обкома КП Узбекиста-
на, областного Совета депутатов
трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—Б35212, Редактор ўринбосар-
лари—Б35885, Б36232, Масьул секретарь—Б34808. Пропаганда, адабиёт
ва санъат бўлими—Б31936, Саноят, транспорт ва қурилиш бўлими—
Б33786. Партия турмуши. Ахборот ва спорт бўлими—Б35811, Қиш-
лоқ хўжалиги, фан, мақтаб ва олий ўқув юрталари бўлими—Б39050,
Совет ишлари, манши ва шаҳар хўжалиги бўлими—Б38761. Хатлар ва
ошмавий ишлар бўлими—Б34048, Эълонлар бўлими—Б38142, Коммутор—
Б30249 дан Б30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг
босмаҳонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01706. ИНДЕКС 64970. А. — 1834.

Тиш докторининг саргузашти—
«МИР» (кундуз ва кечурун)
Илдийи сержант ва бошқалар
—КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эр-
талаб соат 10 да).

«ОҚОШ» САНАТОРИЙСИ.
«ОВИРАХМАТ», «БУРЧМУЛЛА»
ва «ҚУМШОҚ»
дам олиш уйларида
масумий даволаш вақтида
ишлаш учун, маданият хо-
димлари, инструкторлар, фнз-
культурачилар, медицина ҳам-
ширалари, хўжалик-ҳамшира-
лар, 3-5 разрядли ошпазлар,
официантлар, санитария хо-
димлари, нир ювувчилар,
парк ва ўт ёкиш бўйича иш-
чилар

КЕРАК
Тошкент шаҳар-8, «Правда
Востока» кўчаси, 24-уйга му-
рожаат қилиш (3-қават).

«СОЮЗГИПРОЛЕСХОЗ»
УРТА ОСИЕ
ЭКСПЕДИЦИЯСИГА
тупроқшунослар, топографлар,
инженер-гидротехниклар
КЕРАК
Тошкент шаҳар-121, Фарҳод
кўчаси, 10-уйга мурожаат қи-
лиш (7, 14-трамвайларнинг
«Йош қўшиқ институтини» осто-
новаси).

«ЮЖУРАЛЕКТРОМОНТАЖ»
ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ
ПОЕЗДИГА
АК-75 авторан машинисти,
ГАЗ-51 автомашина шофери
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент шаҳар, Чилизор масси-
ни, 6-квартал, «Россия» ша-
ҳарчаси. Телефон 7-13-63.